

ОКТАБРЬ ҒОЯЛАРИ ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

БУТУН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши

№ 220 (3192).

10

ноябрь

ЧОРШАНБА

1965 йил

Баҳоси 2 тўйин

Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

ЙҮЛИМИЗ ОКТАБРЬ НУРИ БИЛАН МУНАВВАР

Қизил майдонда парад ва намойиш

Қизил майдон шу билан қирқ саккиз марта Октябр либосига бурланмоқда. Октябрнинг бир йиллик байрамида Ленин Қизил майдонда нутқ сўзлаб, революциянинг халок бўлган курашчилари хотирасини ҳурмат билан тилга олган эди. Ана шу табар-руқ айёмдан бери совет кишиларининг қанчадан-қанча авлодлари бу майдонни эйрат қилмади, дейсиз! Ана шу курашчиларнинг шонли ишини давом эттиратган кишиларнинг не-не авлодлари социалистик Ватан тарихидаги буюк босқичларни нишонлаш ленинизм идеяларига содиқлиги ва вафодорлигини намойиш қилиш учун қўша Кремль деворлари ёнидан саф тортиб ўтмади дейсиз!

... ГҲМ биносининг олд томонига жуда катта Қизил байроқ тикилган. Байроқда Владимир Ильич Лениннинг портрети бор. Иттифоқдош республикаларнинг байроқлари шабодода ҳилпираб турибди.

Меҳмонлар минбарларини лиқ тўлдирмоқда. Бу ерда саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг алдор кишиларини, олимларини, адабиёт ва санъат арбобларини, лашар бошиларини, барча иттифоқдош республикалардан келган делегацияларнинг аъзоларини кўриш мумкин.

Таклиф қилинган кишилар орасида кўпгина давлатлардан келган меҳмонлар, дипломатик корпус аъзолари бор.

Партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И.

Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, А. Н. Шелестин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига чиқибди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийёс бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Куба бoш министрининг ўринбосари ва революцион Кўролли кўчлар министри ўртоқ Рауль Кастро Рус ҳам марказий минбарга чиқди.

Соат 10.00. Традицион ҳарбий парад бошланади.

Парадди қабул қилувчи СССР Мудоффа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский Кремль Спасский башиясининг дарвозасидан очиб машинада чиқиб келади. Ҳарбий академиклар ва ўқув юрталарининг майдонда саф тортган колонналари «Смирно!» командаси асосида тик қотиб турибди. Парад кўмондонни армия генерали А. П. Белобородов қўшилларининг парад шай бўлиб турганлиги ҳақида министрға рапорт беради. Маршал жангчилар билан саломлашиб, уларни Октябр байрами билан қўтади.

Мудоффа министри қўшилларини айланиб бўлаг, Мавзолей минбарига чиқиб нутқ сўзлайди.

сентябрь Пленуми, СССР Олий Советининг олтинчи сессияси қарорларини ядидил билан маъқулладилар ва ўз куч-қайратларини ана шу қарорларни амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

Пленум саноат раҳбарларини яхшилаш, унинг иш самараларини ошириш юзасидан илмий асосга эга бўлган тадбирларини ишлаб бери. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши Совет давлатининг иқтисодий ва мудоффа қудратини янада кучли суратда юксалтиришга, халқ фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради, коммунизм сари олға босилишини тезлаштиради.

КПСС XXIII съездининг муносиб кўтиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси бутун бепеб мамлакатимиз бўйлаб кенг кулоқ ёди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари жонажон партиянинг бўлажак съездини ватанпарварлик ишлари билан нишонлашга ҳозирлик қўймоқдалар, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш суръатларини янада тезлаштира ҳаракат қилмоқдалар.

Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари янги ҳаётни барпо этишда каттагина ютуқларга эришдилар. Жаҳон социализм системаси йил сайини ўз позицияларини мустаҳкамламоқда, уриниш илаб бўлаётган капитализмга нисбатан шак-шубҳасиз афзалликларга эга эканлигини тобора яққолроқ намойиш қилмоқда.

Бизнинг партия ва ҳукумати-миз ўз халқининг, бутун дўш меҳнаткашларининг асл манфаатларини ирода этиб тинчликсевар татиқ сийёсат изчиллик билан ва оғишмай ўтказиб келмоқдалар, жаҳон урушининг олдинчи олиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Советлар мамлакатининг татиқ сийёсатдаги йўли — ленинча қатъий ва изчил йўл бўлиб, социалистик ҳамдўстлигини жипс-лаштиришга, ёш миллий давлатлар билан муносабатларини ҳар тарафлама ривожлантиришга, миллий оозлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бизнинг татиқ сийёсатимиз антиимпериалистик кучларни жипс-

лаштириш ишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу жипслик жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Америка империализми бошича мамлакатларининг ишларига сурбетларча кўролли йўл билан аралашиб, бу билан халқро кескинлигини кучайтирмоқда. Жану-бий Вьетнамга қарши агрессияни ва Вьетнам Демократик Республикасига осмондан қилаётган ваҳишона ҳужумларини ави олди-ришни давом эттирмоқда.

Европада тинчлик ишига соли-наётган хавф-хатар тобора жид-дийлашиб қолмоқда. Бони ре-визиончилар Габб давлатлари ҳўкмон доираларининг маъдади билан ҳарбий, кўчларини қўлай-тирмоқдалар, ядро кўроллини қўла-га киритиб олишга ошкора тириш-моқдалар.

Вужудга келган шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳу-кумати, бутун халқимиз ҳўш-р-лини оширмоқдалар, мамлакат-нинг мудоффа қобилиятини кучай-тириш, шавкатли Кўролли Кўч-ларинини мустаҳкамлаш тўғри-сида тинмай ғамхўрлик қилмоқ-далар.

Совет ватанпарварлиги руҳида ва империалистик агрессорларга шафқатсиз нафрат руҳида тар-бияланган Совет Армияси ва Флотининг шаксий состави совет халқига ва ўзининг интернацио-нал бурғига ҳаммаша содиқ бўлиб қолади.

Коммунистик партиянинг буюк ишига чексиз сандонатли бўлган совет жаҳоннинг Октябр со-циалистик революциясининг олам-пумула тарихий ғалабаларини эйранлик билан кўришмоқда. Коммунизм кўраётган ўз халқининг тинч яратувчилик меҳнатини ҳўшёрлик билан муҳофа-за қилмоқдалар. Совет жангчилари ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга, ўз Ватанининг оозлиги ва мустақиллигини ша-раф билан қаттиқ туриб сақлаб қолишга, қардош армияларнинг жангчилари билан бир ёқадан бoш чинариб, жаҳон социалистик ҳамдўстлигидаги барча мамлакат-

ларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаммаша тайёрдилар.

Яшасин Улуғ Октябр соци-алистик революциясининг қирқ саккиз йиллиги!

Яшасин буюк совет халқи ва унинг шавкатли Кўролли Кўчла-ри!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукуматига шон-шарафлар!

Ура!

Бунга жавобан уч бор такрор-лашган «Ура!» садоси майдонни хавжлантириб юборади. Тулпар-дан ўз узиб берилган салют садо-лари осмонни ларзага келтиради. Оркестр Совет Иттифоқи гимни-ни ийро этади.

Барабанларнинг гўмбур-гўмбур-и майдон узра қанот қоқар-экан, ҳарбий академияларнинг тингловчиларидан иборат колон-налар текис саф тортиб, Мавзо-лей олдида ўта бошлайди...

Байрам ҳарбий парадини кўриш-га неча мартаб мушарраф бўл-майлик, бу манзара ҳар гал ки-шини ўзига бошқатдан жазоб эта-ди ва дилини тўлқинлантиради. Тўғри бурчак шаклида ўтиб бо-раётган академияларнинг колон-наларидан кўз узиб бўлмайди: қадди-қомати келишган ёш офи-церларнинг ҳамма ҳаранати — сафдаги сарбастлиги ҳам, дўрку-дўркун одими ҳам ўзига яраша-ди.

... Оркестр майдонни бўшатиш учун ГҲМ тарафга юради. Та-рих музейининг орқа томонидан моторларнинг бир маромдаги шовқини эшитилади. Бир неча сафта тизилган бронетранспор-терлар майдонга кириб келади. Суворов орденли Қизил Байроқ-ли М. И. Калинин номидаги Та-маша гвардиячи мото ўқин диви-зияси ўтмоқда.

Унинг кетидан бир тўп пўлат машиналар елиб келмоқда. Бу «авлоди» бўлиб, дўшманин оқ-дий уруш шароитида ҳам, ядро уруш шароитида ҳам батамом илчиб тайиланга қодирдир. Булар тезлиги, маневрчаллиги, устидаси совети ва кўролларининг қуд-рати жиҳатидан жаҳонда энг яхши танклар ҳисобланади. Уларнинг мукамал тўплари ҳар қандай танкнинг зирҳини теши олади.

Мана, мамлакатни ҳаво ҳужу-мидан ҳимоя қилувчи қўшиллар-нинг ракета техникаси майдонга қадам қўйди. Колоннада бошқа-риладиган зенит ракеталарининг ҳар хил турлари бор.

Бизнинг зенит комплекслари-миз ҳар қандай замонавий само-лётини ёки учғир ракетани, ак-сар, битта зенит ракета билан яқ-сон қилиш имконини берувчи юксак жанговар фазилатларга эгадир.

Ана, узоқ масофаларга учув-чи ракета қилидаган «ракета»лар келмоқда. Булар, баллистик ва учғир ракеталарга қарши, ҳам самолётларга қарши, ҳам курашда ишлатиладиган универ-сал воситалардир. Бундай воси-талар ҳимоя қилинаётган объект-лардан жуда узоқ масофаларда агрессорга қарашли баллистик ракеталарнинг ядроли жанговар қалпоқларини йўқ қила олади.

Қабул маросими самимий ва зиннатга ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди.

(Давоми иккинчи бетда).



Москва. Қизил майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойиши.

А. Стужин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқи маршали Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашла-ри!

Ҳурматли чет эллик меҳмон-ларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топширувига биноан,

сизларни Улуғ Октябр социали-стик революциясининг қирқ сакки-зи йиллиги билан табриклайман ва қўталайман.

Совет халқи инсониятга экс-плуатация ва жабр-зулмдан халос бўлиш йўлини очиб берган Октя-брнинг шонли йиллигини комму-нистик қурилишда янги-янги му-ваффақиятлар билан нишонла-моқда. Мамлакатимиз меҳнаткаш-лари партия Марказий Комитети

УМУМХАЛҚ ТАНТАНАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

7 ноябрь кечқурун Кремлинг Съездлар саройи қаровга бўлиб кетди. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 48 йиллиги му-носабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳуку-мати ўтказган қабул маросинида қатнашмоқ учун бор ерга икки мингга яқин киши келди. Меҳ-монлар орасида партия, давлат ва жамоат арбоблари, уш революция-да қатнашган кеска бoшмечилар, иттифоқдош республикалар деле-гацияларининг аъзолари, маш-хўр саркардалар, Москва фаб-рикалари ва заводларининг доир-дор кишилари, фан ва маданият арбоблари, кoсoпoнaт учувчилар бор эди.

Байрамда қатнашмоқ учун Москвага келган коммунистик, ишчи ва миллий-демократик пар-тияларнинг вакиллари, шунингдек чет эл делегациялари, чет мамла-катларнинг дипломатлари, жур-налистлар, олий мансабдан дин ар-боблари қабул маросинига таклиф қилинган.

Залда шудёна кайфият ҳўкм сурмоқда. Улуғ Октябр байрами муносабати билан айтилган таб-рик сўзлари, сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирилган истаклар қулочка чалинади. Тур-ли мамлакатлар халқларининг вакиллари Қизил майдондаги па-рад ва намойиш тўғрисидаги таас-суротларини совет дўстларига ҳалжон билан гапириб бермоқда-лар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини мар-сoсoм иштирокчилари самимий кўтиб олади.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Бреж-нев меҳмонларни табриклаб, нутқ сўзлайди.

Партияимиз Марказий Комите-ти Президиуми ва Совет ҳукума-тининг топширувига биноан, дей-ди у, шу қабул маросимининг барча қатнашчиларини, сизлар ор-қали эса, бутун совет халқини, шонли ишчилар синфимизни, кол-хозчи деҳқонларни, интеллиген-цияимизни мамлакатимизнинг энг катта байрами билан, бутун дўш меҳнаткашлари меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан нишонлаётган та-нталани айём — Улуғ Октябр со-циалистик революциясининг 48 йиллиги билан чин қўнгилдан таб-риклайман.

Кўпгина мамлакатлардан кел-ган меҳмонлар, қардош социали-стик давлатлар ва бошқа дўст мамлакатларнинг вакиллари, биз-нинг маснаҳдош биродарларимиз — чет эллик коммунистлар шу ерда ҳозир бўлишган. Ана шу тантанали кўнда совет кишила-рининг шодлигини, эришилган му-ваффақиятлардан уларнинг фахр-лақаётликларини, бизни кўтиб турган катта ишлар тўғрисида уларнинг заъф-шақини дўстлари-миз ҳам баҳам кўриш имконияти-га эга бўлганлигидан мамнуимиз.

Партияимиз ва давлатимизнинг шу ерда ҳозир бўлган танкизи вакиллари — Марказий Комитет ва Совет ҳукуматининг аъзолари-ни, шонли Совет Армиямиз ко-мандирларини, бугунги парад қат-нашчиларини, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишгорларини, интелли-генция вакилларини, фан ва санъ-

ат арбобларини байрам билан чин қўнгилдан табриклаймиз. Биз иттифоқдош республикаларимиздан келган қадрли меҳмонларни таб-риклаймиз.

Азиз ўртоқлар, ҳаммамизнинг буюк илминиз — коммунизм кўриш, элчиб совет халқимиз-нинг тинчлиги ва бахт-саодатини таъминлаш, мамлакат мудофаси-ни мустаҳкамлаш йўлидаги самар-али меҳнатинида сизларга ян-гилан-янги зўр муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаммаларингизга янги-лой ва шахсий ҳаётдаги барча муваффақиятларининг бамисоли моддий техника базаси бўлган бардамлик ва сийҳат-саломатлик тилаймиз.

Бу ерга келган дипломатия корпуси вакилларини ҳам табрик-лашга ва улар ҳам мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик бўлиши, деган талағи-

мизга қўшилдилар, деб умида қи-лишга ижозат бергайсиз.

Л. И. Брежнев Улуғ Октябр-нинг 48 йиллиги шарафига, ле-кинчи Коммунистик партия шара-фига, ўз тугилган кунини нишон-лаётган Совет давлати шарафига, инсониятга коммунизм йўлини олиб бераётган совет халқи шара-фига, ҳозирги замоннинг энг бую-қ революцион кучи — соци-ализм мамлакатларининг қудратли ҳамдўстлиги шарафига, тинчлик ва барча халқлар ўртасида дўст-лик шарафига табрик сўзлари ай-тади.

Л. И. Брежневнинг нутқи қар-сақлар билан бир неча мартаб бўлиниб турди.

Қабул маросими самимий ва зиннатга ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди.

(ТАСС).



Суратларда: (чапда) Москва Қизил майдонда ҳарбий парад. Ракета техникаси ўтиб бормоқда. (Ўғда) ўнжорар установкалар парадда. В. Соболев ва В. Савостьянов фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

11 ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

● Янгийўл эксперименталь колбаса заводи коллектив иқидоғина ўн ойлик топши-риқни муддатидан олдин адо этганлиги ҳақида она-Ватан-га ғалаба рапорти берган эди. Яқинда корхонадан яна бир хушхабар олдик. Завод аҳли КПСС XXIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг кулоқ ёйдириб яли маҳ-сулот ишлаб чиқариш 11 ой-лик планини ҳам шараф билан адо этди.

Эришилган ютуққа завод ра-ционализатор ва ихтирочила-

ри айниқса катта ҳисса қўши-лар. Улардан тушган таклиф-ларнинг ишлаб чиқаришга жо-рий этилиши билан корхона 356 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрди. Шу кўнларда завод меҳнатсеварлари йиллик планини 5 декабргача адо этиш ва йил охиригача планга қў-шимча равишда 300 минг сўм-лик яли маҳсулот ишлаб чи-қариш учун курашмоқдалар. Қ. Азимов, Ш. Назарова, К. Қодиров каби корхона пеш-кашлари бу курашининг олди-ни сафларида бормоқдалар.

ШУДГОРЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

● Калинин районидаги «Ленинзм» колхозининг ўр-тоқ Эргаш Қўрбoнов бошлик комплекс механизациялашган звеноси пахтакорлари бу йил гектар бошига 34 центнердан хирмон кўтардилар. Звено бошлигининг ўзи «зангори ке-ма» билан 105 тонна пахта те-риб олди. Пайкаллардаги ҳoсил батамом йиғиб-териб олинган, звено бошлиги Эргаш Қўрбoнов С—100 ҳайдов тракторини бошқарабшладди. Пахта май-доллари жадал суръат билан шудгорланди. Партияимизнинг XXIII съезди шарафига меҳ-нат вахтасида туриб ишлаёт-ган ўртоқ Қўрбoнов ҳар кун 7,5-8 гектар майдонни 35-

40 сантиметр чуқурликда шуд-горлашга муваффақ бўлди. Шу кўнларда у қўшни звено ерларини ҳайдашда яқиндан кўмаклашмоқда.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

ЧЕВАРЛАР ЮТУҒИ

● КПСС XXIII съезди шара-фига меҳнат вахтасида тур-иб ишлаётган Тошкентдаги 3-тикув фабрикаси коллектив 26 октябрда ўн ойлик топ-шиқини шараф билан адо эт-ди. Ўн ой давомида корхонада планга қўшимча равишда 21 минг сўмлик аъло сифатли ки-йим-кечаклар тикилди.

Фабрика неҳларида шу кўн-ларда социалистик мусобақа тағин ҳам кенг кулоқ ёзмоқда. Чеварлар бир жон-бир тан бў-либ йиллик топшиқини 26 декабрда адо этиш ва қўшн-ча равишда кўлаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш-моқдалар.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
9 НОЯБГАЧА БЎЛГАН

МА Ў Л У М О Т

(Планта нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Маъсoл бош-дан бери
Орқониндэ	—	124,60
Оқуругон	—	115,60
Эрта Чирчиқ	0,03	114,88
Юқори Чирчиқ	0,04	115,62
Калинин	—	112,37
Бўка	—	109,78
Янгийўл	0,07	108,14
Бекбoд	0,19	103,68

Област бўйича 0,05 111,74

ЙЎЛИМИЗ ОКТЯБРЬ НУРИ БИЛАН МУНАВВАР

КУДРАТЛИ БИРЛИГИ



Тошкентда меҳнатчилар ва киллари намоиши.

Бўлажак космонавтлар.



А. Аблязов фотолари.

ВАТАНГА, ПАРТИЯГА, ХАЛҚҚА ШОН-ШАРАФЛАР!

(Бош иккинчи бетда).

«КПСС Марказий Комитети сентябр Пленуми қарорларини амалга оширди». «Партия XXIII съездини муносиб кутиб оламиз». Намойиш қатнашчилари кўтариб ўтатган транспарантларда ана шу сўзлар кайта-қайта кўзга ташланади. Тошкент санаторийнинг ходимлари Коммунистик партия ва совет халқи ҳаётидаги шонли воқеа шарафига соғва қилиб етти йиллик тошпириндан ташқари икки юз миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғладилар.

Майдондан жўшқин дарёдек ўтиб бораётган янги-янги колонналарнинг охири кўринмайди. Завод ва фабрикаларнинг янги-янги номлари ёзилган панолаҳар кўтариб ўтишмоқда. Биноқорлар билан монументлар, тикувчилар билан пойафзалчилар, темир йўлчилар билан энергетиклар, озиқ-овқат санаторийнинг ходимлари куй, қўшқ билан, шўх рақсга тушиб ўтишмоқда. Ғалаба рапортларининг рақамлари ҳам ўзгариб бормоқда. Тошкент уйсўликл комбинатининг коллективи 5 йил мобайнида ўз корхонасининг унум-

дорлигини ошириб, йилга 180 минг квадрат метр ўрнига 180 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқармоқда. Биринчи пойафзал фабрикасининг ишчилари 7 ноябрга қадар пиландан ташқари 65 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқаришларини маълум қилмоқда.

Ешлар айтган қўшқ майдон узра янграб кетади. Республика пойтахтидаги жуда кўп олий ўқув юртилари ва техникумларнинг студентлари ўтиб боришмоқда. Ўзбекистон мутахассислар навиқрон қўлбалирининг бутун ҳарорати йил, бутун куч ва қувватини, билиминини халққа хизмат қилишдан иборат бўлиб ишга бахш этмоқда, деб партия билан ҳукуматини ишқоришмоқда. Ўрта Осиёдаги энг кеска олий ўқув юрти — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг байроғи кузга хос бўлмаган иссиқ оғибот нурларида тобланади. Осиё ва Африка мамлакатларидан келган йилга ва қизлар — Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлигининг университети тайёрлов факультетининг тингловчилари университет колоннасида совет студентлари билан бирга майдондан

ўтмоқдалар. Мустамакчиллик зулмидан халос бўлган мамлакатларнинг вакиллари турли тилларда ёзилган «Яшасин Улуғ Октябрь!» деган шор орқали аски дунё асосларини ларзага солган Октябрь социалистик революциясига ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Минбардагилар фан арбобларини қизқин қўлайдилар. Ўзбекистон олимлари халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Фан билан практиканинг бир-бирига маҳкам пайванд қилиб юборилганлиги техникани ялдат тарққий эттиришининг, социалистик экономикани янада ривожлантиришининг гаровидир.

Санъат ва адабиёт ходимлари ўтиб бормоқдалар. Қаҳрамонона даврининг муносиб асарлар пратини билан ўлар янги коммунистик жамият ўзлиги дунёда биринчи бўлиб очиб бораётган совет киносининг улуглиги ва унинг ғўзал қўлини ёрқин ифода қилиб бормоқдалар. Байрам намоишини ўзоқ вақт давом этди. Октябрь намоишинида тошкентликлардан икки юз мингдан ортиқ киши қатнашди.

Халқ шодлиғаси Ленин номи майдондан шаҳар кўчалари ва майдонларига, емерлар ва париларига, ишчиларнинг клублари ва маданият саройларига, меҳнатчиларнинг хонадонларига ёйилди кетди. Республиканинг бутун пойтахтидаги халқ сайиллари ярим кечагача давом этди. Тул пардаси шаҳарга ўз сеппин ёя бошлаганида ранг-баранг чироқлар омонда порлаган байрам салютига қўшилиб кўзга қамашти ра бошлади. (ЎЗАТА).

мондамиз. Республикамиз ешлари ҳам бугунги кунда жаҳон ешлари билан бирдам аяналишларини яна бир бор изҳор этадилар.

БУГҲН — ЖАҲОН ЕШЛАРИ КҲНИ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

«Ешлар, бирлашингиз! Мустақам тинчлик, демократия, халқларнинг миллий мушқққлиғи учун, ешларнинг энг яхши келажғи учун олгиз!» Бу жаҳон Демократик Ешлар Федерациясининг қатъий широридир. Бу ташкилот эндиликда ер юзидидаги тинчликсевар ешларни ўз сафларига бирлаштирган кудратли кучга айланди.

Иккинчи жаҳон уруши тугатган дастлабки кун. Жаҳондаги 63 миллат ешлари вакиллари Лондон шаҳрига ўтпанишди. Альберт-холл залдада ўтган бу йилгида тинчлик ва озоқлик учун курашда жаҳон ешларининг вакиллари мувоқама қилинди. Шунинг учун ҳам бу зал Жаҳон Демократик Ешлар Федерациясини туғилган тарихий жой бўлиб қолди. Бу Федерация секретариати ҳозир Будапешт шаҳрида иш олиб бормоқда.

Ешлар ташкилотини ташкил топганлиги бу йил 20 йил бўлди. Бу ташкилот ўз сафларига 100 миллиондан ортиқ йилгит-қиларни бирлаштирган.

Жаҳон Демократик Ешлар Федерациясининг ташсири ва таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда. У, ешлар ҳаракати бирлиги учун кураш олиб бораётир.

Унинг илгари сурган широри остида жойлашда кўпга кўпгина йилгитлар бўлиб ўтди. Халқаро ешлар конференциялари, конгресс ва семинарларини ўтказишдан бу кудратли ташкилотнинг роли ва ишқорини катта. Ешлар ва студентларнинг жаҳон фестивалларини ўтказишда ҳам бу ташкилот бош-қо бўлганлиги.

Хозирги жаҳон халқаро ешлар ҳаракати империализмга қарши, мустамакчилликка қарши қаратилган кудратли кучга айланди. Ўтган йили Москвада ешларнинг бирдамлик жаҳон форуми ўтказилди. Унда империализм ва мустамакчилликка қарши курашда ешлар вакиллари иштирок этадилар. Ешларнинг халқаро бирдамлиги еш ватанпарварларга катта ишонч бағишлаганмоқда.

Бугун Жаҳон Демократик Ешлар Федерациясини ташкил этишларининг 20 йиллигини нишонла-

Халққа шонли, жонли халқ иқдорлиғи бўлганга шўнғитан кишиларига ғалаба қозонади ва дохилиятини сақлаб қола олади.

В. И. ЛЕНИН.

Тарих совет ишчиларининг коммунизм ғалабаси учун ярим асрлик кураш йўлидан ҳам улугвор халқ жасоратини билмайди. Омма революцион иқдорлиғининг беқисс қўлими, жаҳонда энг йилрик давлатнинг ўн миллионларча кишиларни қўрсатган мислсиз жасорат ҳамда матонат, унинг меҳнат ва жангга фидокорликна тайёрлиги нима билан ўлчан, қандай тушунтириш мумкин? Бу саволга қисқа қилиб, бунинг бониси Улуғ Октябрьнинг яратувчилари кучидир, деб жавоб бериш мумкин. Социалистик революциянинг биринчи марта қўнг кент халқ оммасини онгли тарихий фаолиятга жалб қилди. Уларнинг арқини меҳнат қилиш ва ишоний тушмўчи кеңиришини таъминлаш, улар олдида янги коммунистик тушмўчи яратилишини улкан вазифинини қўлди.

Октябрь куч-қудрати ҳозирги замонамизда йилмоқда. У янгидаги йилликда кишиларни — капиталистик кулликча қарши ишқорлиғини иқтисодий тараққийтиш учун курашчиларни қаракатга келтирмоқда. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тарихда халқ оммасининг тўбора ортиб борушига тўла тасдиқланмоқда. Омманинг революцион иқдорлиғини бунинг йўлига планетамиз киёбасини янгилаб, ўзгартириб юборди.

Бугунги кунда салкам ярим асрлик тарихий йўлини босиб ўтган Улуғ Октябрь жаҳон социалистик системасига, жаҳон коммунистик ва ишчилар қаракатининг муваффақиятларига, империализмининг мустамакчиллик системаси талокатига тавдаланиб турганлиги. У халқинининг сўмас революцион анъаналарига, коммунизм йўлида янги иқдорий ютуқлар томон лонмо олға янгилишда янгамоқда.

Кенг халқ оммасининг тарихий иқдорлиғи майдонига чиққандаги буржуа социологларнинг тахликага солиб қўйди. Ғарбда меҳнатчилар активлиғи юксалиши, маданиятининг тушқинлиғи — олиб келмоқда, пивиллацияга тахдик солмоқда, деган реакция назарияларини кетини пайдо бўлганлиги.

Омма иқдорлиғи куч-қудратининг тўбора ўсишидан кўриниб қарғий герман философи Альфред Габер, испан социолог Ортега-и-Гассет ва бошқа жуда кўп империализм идеологларининг назарияларида ўз ифодасини топмоқда.

Марксистлар сира социал пессимизмга берилмайдилар. Тўбора кенг меҳнатчилар оммасининг янги майдонига чиқиши, барча қитъаларни қамраб олган революцион буронлар Октябрь курастан йўлининг тўғрилиғини тасдиқламоқда ҳамда халқларнинг революцион иқдорлиғида ишонийнинг энг яхши келажғи нишонасини кўриш учун имкон бермоқда.

Биз яшаётган замон халқ оммасининг тарихий иқдорлиғидаги коммунистларнинг гоят кенгайтириб юборди. Меҳнатчиларнинг миллий мушқққлиғи ва социал тараққийтиш учун муайян бир мақсадга қаратилган кенг чиқишлари география жихатдан ҳам кенгайиб кетди. Янги-янги халқлар онгли яратувчиллик ишга келиб қўшилдилар, янгидай тараққийтиш суръатлари, янгидай ошди. Халқ оммасининг тарихда тўбора ошиб боруши роли ҳақидаги коммунист эндиликда ўзининг энг тўла ифодасини топмоқда.

Социал таракқийтининг авангардида бораётган халқларнинг иқдорий таърибаси бутун прогрессива инсоний учун алоҳида аҳамиятга эга. Барча мамлакатлар меҳнатчиларининг тарихда биринчи марта социалистик жамият барпо қилиш ва хошқорда коммунизм кураётган Совет Иттифоқига нисбатан афр диктат-этибор билан қарашларининг бониси ҳам шунда. Октябрь ғалабаси халқинини дунёни революцион қайта қуриш учун курашнинг олдинги сафларига олиб чиқди.

Совет халқининг коммунистик қурилиш даврига ўтиши унинг иқдорлиғида янги характерли фаилатларини келтириб чиқарди. Аввало, халқинининг пивилла етилган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий ва маданият проблемаларини энг тўғри хал қилиш йўлларини излаб топишга бўлган иштиқлиғи ошиб кетди. Халқ иқдорлиғи эндиликда Ленин партиясининг мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилган тадбирларида мукжасамланмоқда.

КПСС Марказий Комитети сев-

табрь (1965 йил) Пленумининг қарорлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу йўлда йилрик қадам бўлди. Бу қарорларнинг моҳияти фақат санаотини бошқаришнинг энг рационал методларини, энг мукамал планлаштиришни таъминлашдагина эмас, балки кенг қўлдан олиб ишлаб чиқаришнинг иқтисодий рағбатланиши асосида энг кўп фойдаланишга қўлдан олишда ҳам кўринмоқда.

Пленум қарорлари ўз навбатида бутун партиянинг, бутун совет халқининг коллектив иқдорлиғини таъминлади. Улар суъбасти-визмининг ҳар қандай кўришларини қарши қаратилган бўлиб, ҳўжалик қурилишда ҳар қандай оқилона ташаббускорлиқнинг қўлаб-қувватланишини таъминлади. Миллионлар тақрибасини умумлаштириш иқтисодий тараққийтиш объектив коммунистларнинг юзага чиқариши ва уларга таяниш ҳамда ҳар бир кишининг янги жамиятини қуришда умумий ишга қўшаётган шакли ҳиссасини қиссима олиш имконини беради.

Коммунизмга бораётган совет кишиларининг иқдорий куч-ғайратини фанга, аниқ ҳисобларга тобора кўпроқ таянмоқда. Ҳозирги вақтда халқимиз яратувчиллик фаолиятининг юксак илмий даражасига ҳақида таяниш мумкин. Бу кишилар ва инженер-техник навиқронларнинг умумназарий ва маҳсулат билмилари кенгайишдан иборат таълуқсиз жараён асосида, фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг янги ҳамқорлиғи асосида юзага келди. Октябрь революциясинида йилгити ўрта ва олиб маълумотли бирорта ҳам ишчи йўқ эди. 1963 йилга келиб аса ишчиларнинг қарийб ярми (44 процентга яқини) етти йиллик, ўрта ва олиб маълумотга эга бўлди. Илмий техника жамиятларини састақда ишчилар салмоғи 1956—1961 йиллар ичида қарийб бир ярим баравар ўсди.

Коммунистик қурилиш таърибаси совет кишиларини онгини боғитди. Уларда сиёсий жихатдан янада етуқ, онглилик, эътиқодлилик ва ладиллик фаилатларини тарбиялади. Социализм ғалаба қилган мамлакатимиз кишиларининг ҳўшқорли қиёбаси коммунистик гоёяйилик, маълумот ва маданиятининг юксак даражаси, бир

ОБЛАСТИМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ШОДИЁНАЛАР

БЕКОБОД

Шаҳар меҳнатчилари жуда барвақт уйғонди. Ўрта тоғдақоқ кўчалар ғажуқ бўлиб кетди. Қўлларига транспарантлар кўтариб олган кишилар «Октябрь» кинотеатри майдонини томон келашбашдилар. Ҳамма шод. Юзларда кулги, лабларда табассум. Шўх уйноқи музикага жўр бўлиб келаятган қизлар ҳаммаин ўзига қаратган.

Ўртада соат 10. Байрам намоишининг биринчи бўлиб ўқувчилар бошлаб беришди. Уларнинг кетидан етти йиллик планини шаҳарда биринчи бўлиб октябрь ойидаёқ бажариб қўйган Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ишчи ва хизматчилари шаҳдам қадам ташлаб ўтишди. Улар байрамга муносиб тўғфа билан неллангари учун ҳам хурсанд. Кунин кеча улар 1966 йил учун маҳсулот ишлаб чиқаришга бошланганлиги ҳақида рапорт беришди. Шаҳар санаот, транспорт, қурилиш ходимлари ва бошқа касб эгалари бирин-кетин майдондан ўтишди. Санаот, транспорт, қурилиш коллективлари йил охирига қадар пиландан ташқари 8 миллион сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятининг олишган.

Байрам таътаналари кечгача давом этди.

ОХАНГАРОН

КПСС XXIII съездини муносиб солғалар билан кутиб олиш учун ўзаро мусобақани қизитиб юборган Охангарон шаҳар санаот корхоналарининг ишчи ва хизматчилари улуғ байрамни ҳам ёруғ юз билан

кутиб олдилар. Ҳар қардагидек коччилар шаҳарда ҳам эрта тонгдан қарий-сўнай, дўхвой ортиқнинг садақлари янграб бошлади. Ўртада соат 8 бўлмасдан ҳам шаҳар кўчалари намоишчилар билан тўла бошлади.

Охангарон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Ғўломов байрам қатнашчиларини улуғ айём — Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиғи билан қизғин табриқлайди. Сўнгра меҳнатчилар намоишини бошланади. Етти йиллик планни 20 октябрдаёқ бажариб қўйган 9-шахта, кўмир ва кон устини очиб разрезининг коллективлари, Охангарон ГРЭС қурувчилари «Горняк» маданият саройи майдонидан саф тортиб ўтишди.

Ўртадаки таътаналар кечгача бориб бадийи ҳаваскорларнинг концертларига, оммавий сайларга улашиб кетди.

ЧИРЧИК

Октябрь революциясинида келгилни туғилган ва калом топган социалистик Чирчиқ шаҳрининг бугунги қиёбаси ўзгача. Ҳаммаёқ байрам либосида. Байроқлар майин шаббадада ҳил-шайради.

Шаҳар санаот корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ишоний тарихда бўлиш-ла даврини ясаб берган шонли Октябрь революциясини байрамини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани қизитиб юборишган эди. Бугун ҳамма хурсанд. Азаматлар ўн ойлик планни 26 октябрдаёқ бажариб қўйишди.

Соат ўн бўлганда Ленин номи майдон минбарига шаҳар партия комитетининг хо-

димлари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари вакиллари чиқишади. Одатдагидек намоишини ўқувчилар қолпачаси бошлаб берди. Ундан сўнг орденли, кўн кеча навиқрон 25 йили байрам қилган элекрохияния комбинатининг ишчи ва хизматчилари ўтишди. Улар сафида меҳнат ветеранлари ва ишлаб чиқариш илгорлари машикет Сафаров, старший инженер Ўрқонова, бўлиб бошлиғи Токмешев ва бошқалар бор.

ЯНГИЙУЛ

Соат ропша-роса 10. Шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ В. И. Рибалко меҳнатчиларини улуғ айём Октябрга байрам билан табриқлаб, меҳнатчилар намоишини бошлади. Майдондан биринчи бўлиб ўқувчилар «Октябрга шон-шарафлари», «Яшасин тинчлик!» деб ёзилган алъолларни, партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг портретларини кўтариб ўтишди.

Гидролиз заводининг ишчи ва хизматчилари шаҳар партия комитетини ва шаҳар ижроия комитетининг кўчига Қизил байроғини олиб ўтишди. Бу байроқни улар мусобақада қолиб қиббо қўлга кирайишган. Завод ишчилари байрамни 11 ойлик планни бажариш билан кутиб олдлар. Пойафзал фабрикаси, ғинт заводи, 9-қурилиш бошқармаси коллективлари ҳам байрамни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдиди.

Шу кунларда шаҳар кинотеатрларида революцияга бағишланган фильмлар фестивали давом этаётти.

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа янада кенг авж олмақда.

Бундан қарийб ярим аср муқаддам шонли «Аврора» немасини эълани янграган эди. Ҳозир ҳам унинг акс-садоси дунёнинг ҳамма жойларида янграмоқда. Социализм гоёлари меҳнатчиларнинг янгидай-янги табакаларини тарихий иқдорлиқ сари қорламоқда.

Еш социалистик мамлакатлар ҳаётининг ҳамма томонлари ўзига ҳо иқдорлиқ билан тулиб тошган. Янги тарихий ивордада пролетариат диктатурасининг ўзига ҳо формаси — халқ демократиясини вуқудга келди. Бу мамлакатларда социализм ғалабаси учун кураш уларнинг тарихий ва миллий традицияларини иқдорий фойдаланиш, жамиятининг сиёсий ва иқтисодий ташкил қилишнинг янги формаларини ишлаб чиқиш билан бирга олиб борилади. Социализмга ўтишда ҳар бир миллат марксизм-ленинизмнинг умум ҳазинасига ўз хиссасини қўшмоқда.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг ўз миллий мушқққлиғи, таракқийтиш нокапиталистик йўли ва социализмга ўтиш учун олиб бораётган курашда ҳам кўпгина иқдорий томонлар бўлиб, улар иқтисодий ва маданий таракқийтиш даражаси ва миллий хусусиятлар билан узвий боғланиб кетган. Бу мамлакатларнинг халқ оммаси империализм қаршиллиғини энгиб қиёб тарихий таракқийтишнинг энг қиёб йўлларини излаётдилар.

Ер юзи меҳнатчилар оммасини тинчлик, демократия ва социализм учун қаҳрамонона кураш олиб бораб экан, бунда Октябрьнинг ғолиб байроғига тез-тез назар солиб туради. Бу байроқ улар учун революцион ғайрат-шижоат манбан бўлибгина қолмай, балки тарихий таракқийтиш меваси бўлган янги жамият тисмолли ҳамдир.

М. ЯСҚОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 10 НОЯБРЬ 1965 ЙИЛ.

